



ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Рашидова Мухлиса Абдулхай қизи-

Тошкент Кимё халқаро университети Бошланғич таълим йўналиш талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда буюк мутафаккирмиз И мом Исмоил ал-Бухорий ҳадислари орқали ота-онага яхшилик қилиш қоидалари баён этилган.

Калит сўзлар: Тарбия, методика, лугат иши, ўқувчилар, миллий қадрият, ҳадис илми, яхшилик қилиш.

ISSUES OF UPBRINGING IN THE HADITHS OF IMAM ISMAIL AL-BUHARI.

Annotation: This article describes the rules for doing good to parents through the hadiths of Imam Ismail al-Bukhari, a great thinker in the moral education of students.

Keywords: upbringing, methodology, dictionary work, students, national value, science of Hadith, doing good.

Тарбия таълимнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Аслида ҳар қандай таълим ҳам тарбиядан бошланади. Тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шахсни миллий-маънавий ҳамда умуминсоний қадриятлар билан таништириш ва яқинлаштириш орқали юксак маънавиятли шахсни камол топтиришдан иборатdir. Миллий қадриятимиз бўлган ҳадис илмида тарбия масаласида амал қилиш лозим бўлган вазифалар бор.

Ўқувчиларнинг ахлоқий хислатларни тарбиялашда оила муҳитдан тарбиялаш буюк мутафаккирмиз И мом Исмоил ал-Бухорий ҳадисларида батафсил баён этилган. Яъни дарс машғулотларида буюк мутафаккирмиз И мом Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёт йўллари ҳақида қизиқарли маълумотларни хикоя қилиш орқали у зотга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйготиш ва у зотнинг тарбия ҳақидаги ҳадисларидан саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг ижтимоий онгни шакиллантириш орқали саволлар бериш



орқали фаоллаштириш лозим²⁴. Ўқувчиларга берилган саволлар қуидагилардан иборат:

Сен ота-онагга қандай яхшилик қила оласан?

1. Эй фарзанд! Ота-онангга итоат қил, яхши кўр ва насиҳатларига амал қил.
2. Улар олдида одоб билан ўтири, сенинг ҳузурингга келсалар, ўрнингдан тур ва уларнинг овозидан овозингни баланд кўтарма.
3. Ота-онанг қувватли вақтларида улар хурсанд бўладиган ишларни қил. Агар қувватлари кетиб ишга яроқсиз бўлиб қолсалар, зиммангдаги ҳақларини адо етиш учун муҳтож бўладиган барча нарсаларни уларга ёрдам бер.
4. Улар сенга қаттиқлик қилсалар, уларга қўпол гапирма. Чунки факат сенинг фойдангни хоҳлашади.
5. Эрталаб турганингда ва кечқурун ётишингдан олдин, уларни кўрганингда салом бер.
6. Уларни ғазаблантирадиган амаллардан йирок бўл. Кўпроқ умр кўришларини яхши кўр ва шуни озру қил. Чунки улар ҳам сенинг саломат бўлишингни озру қиласдилар.
7. Улар бирон иш буюрганларида зинҳор “уф”, дема.
8. Чақирганларида “лаббай”, деб тезда ҳузурларига йетиб бор.
9. Уларга озор йетишига сабабчи бўлма. Яъни, болалар билан уришма ва уларнинг ота-оналарини сўкма. Акс ҳолда ўша ёмон болалар ҳам сенинг ота-онагни сўқадилар.

Ота-онага яхшилик қилиш

Эй фарзанд, атрофинингга қара ва ота-оналарнинг ўз фарзандларига қилган ишлари ҳақида ўйлаб кўр. Ана шу шунда ота-онанг сени тарбиялаш ва касал бўлганингда даволатишда бошларидан кечирган қийинчиликларини билиб оласан.

Онанг сени тўққиз ой қорнида кўтарган вақтида анча оғриқларни тортиб, кўп мاشаққатларни бошидан ўтказган. Сени емизиш, ювиб тараш, иссиқ-совуқдан сени химоя қилишда у бечора кеча ва кундузларни қийинчиликда ўтказди.

²⁴ Uvatov U. Xadis ilmining sultonı. O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati. 1993.29 oktyabr. №43-44



Сен улғайгач, сенга қандай емаклаш, қандай юриш, қандай йэйиш ва ичиш, қандай гапириш, барча-барчасини ўтгатди. У ҳар куни сен учун таом ва чой тайёрлайди. Кийимларингни ювиб, ётишинг учун жой солади. У сени кўриб кўзи кувонади, қалби шодланиб орзу-умидларга чўмади. Отанг еса ишлаб Аллоҳ берган ризқни топиш учун ҳар куни уйдан чиқиб кетади.

Сенингроҳатингни ўйлаб қийналади, меҳнат қилади. Сенинг йэйишинг, ичишинг, кийинишинг, тураг жойинг ва таълим олишинг учун кўпроқ пул топишга ҳаракат қилади. У сени яхши қўради ва сени ҳаётингда ютуқларга еришиб, муваффақият қозониб яшашингни кўришидан ҳам кўпроқ бирон нарсани яхши кўрмайди. Шунинг учун сен ота-онангга итоат етиб, уларга яхшилик қилишинг керак.

Ота-онага яхшилик қилишнинг аввали уларга итоатли бўлишdir. Чунки улар болаларини заарли нарсага буюрмайди. Агар ота-онанг касал бўлиб қолсалар, уларни давола, агар ожизланиб камбағал бўлиб қолсалар, уларга пулдан ёрдам қил. Одамлар ота-онангни сўкмасин десанг, сен уларни ота-онасини сўкма. Уларга мулойимлик билан гапир. Уларнинг сўзидан сиқилма. Агар тирик бўлишса, уларга узоқ умр сўраб, вафот етган бўлишса, раҳмат сўраб хақларига дуо қил. Бу тарбия қилганликлари ва ёшлигингда меҳрибон бўлганликлари евазига сендан уларга мукофот бўлади.

Фойдали насиҳатлар²⁵

1. Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.
2. “Ота-онасини ҳурмат қилган кишининг умри узун бўлади”.
3. “Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасини ҳукмига бўйсунади”.
4. Ўғил доно бўлса, ота роҳат топибди.
5. Отанинг хатоси учун танбех берувчи бўлма.

Ота-онани ўрнини ҳеч ким босолмайди

Ота-она учун фарзандининг чиройли хулқи ва одоби муҳимдир. Одобли боланинг ота-онаси камбағал бўлса ҳам ҳеч айб емас. Чунки ҳар бир нарса Яратганинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Ота-онасининг факирлигини айб санаш, буни ўзларига айтиб, тақдиридан нолиш жуда катта хатодир.

²⁵ Зиёвуддин Раҳим. Бола одоби билан азиз. Т.: 2022 йил



Эй фарзанд, сенинг ота-онанг ҳаёт екан, соғ-саломат екан, уларнинг қадрига йет, яшаб турганини ғнимат бил. Шуни унутмаки, ота-онанинг камбағаллигиайб емас. Аслида фарзанднинг одобсизлиги ниҳоятда катта айбдир. Одобсиз боланинг ота-онаси бой, мартабали ёки олим бўлса ҳам одамлар еътиборида бўлмайди. Ундан бола ота-она шаънига иснод келтиради. Фарзандни туфайли обрў-еътиборидан қолган ота-она касалликка чалинади, вақтидан ерта қарибди, умри қисқаради.

Одобли боланинг ота-онаси факир ва камбағал бўлса ҳам боласи туфайли қадрли ва ҳурматли бўлади. Эл-юрт орасида ҳурматда, иззатда бўлган ота-онанинг соғлиғи яхши, руҳи тетик бўлади. Тенгдошларига нисбатан ёш кўринади, умри узаяди. Шунинг учун сен одобли ва яхши бола бўлишинг керак. Шунда ота-онангни ҳурмат етиб, уларни хурсанд қилган ва қадрларига йетган бўласан. Зоро, ота-онағ ўрнини ҳеч ким босолмайди.

Фарзанд ота-онасидан доим қарздор

Азиз болажонлар, шуни билингларки, атрофингиздаги болалар, ўрта ва катта ёшдаги кишилар марҳаматли ва шафқатли бўлишлари мумкин. Аммо ҳеч бир киши сизларга ота-онангиздек садоқатли бўлолмайди. Ота-онангиз ҳамиша сизларнинг баркамол ва солиҳ бўлишингизни хоҳлайдилар.

Ота-онангиз сизларни парвариш қилишда иссиқ-совуққа чалинтиrmайди, соғ-саломат, одобли ва илмли бўлишингизда чеккан мاشаққатларини, тортган кулфатларини, ўзи йемаса ҳам сизларга йедириб-ичирганини унутманг. Ҳамиша уларнинг розилиги йўлида, атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочиб қолса, хузур-ҳаловатини йўқотган ҳам онадир.

Она биз учун боғбондир. У доим бизни парвариш пайида бўлади. Буни тушунган ҳар қандай бола ўз онаси ҳурматини барча нарсадан устун қўяди. Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини седан чиқармайди, кичикроқ бўлса ҳам ишга қўл урганда онани бундан хабардор қилиб, унинг розилигини олади. Айтган сўзларига кулоқ солиб, маслаҳатларига амал қиласди, ҳар вақт онани миннатдор қилишга интилади. Биз онамизнинг бир бўлагимиз, агар бирор аъзомиз оғриса, онамизнинг тани оғрийди, агар биз хурсанд бўлсак, онамиз ҳам хурсанд бўлади. Шундай екан,



доим онамизга еътиборли бўлайлик, уларни қаровсиз қолдирмайлик, ҳамиша хабар олиб турайлик.

Ота-онага қандай муносабатда бўлиш керак?

Фарзандлар ота-онага итоат етиб, ҳар бир фурсатни розиликларини олиш учун ганимат билмоғи керак. Боланинг баҳт-саодатига еришиши, ютуқ ва муваффақият қозониши ота-онанинг хурсандчилиги ва розилиги туфайли ҳосил бўлади. Болалар ота-онасини хурмат қилиш қаторида уларни шарманда қиласликлари ва номларини булғамасликлари керак. Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, улардан ўзини ақлли ва ишбилармон ҳисоблаган болалар ҳаётда кўп қийинчиликларга дучор бўлади. Чунки ишончсизлик одамда алдов ва ёлғончиликни пайдо қиласди. Ёлғончилик ва иккиюзламачилик еса барча ёмон ишларга сабаб бўлади.

Аслида ҳар қандай одамга ёлғон гапириш катта жиноят, оғир гуноҳдир. Аммо ота-онани алдаш жуда катта гуноҳ саналади. Ота-онасига билдириш бирон ёмон ишни қилиш ота-онага нисбатан ҳурмацизлик, уларни ҳақоратлаш билан тенгдир. Аслида болалар қийин холатга тушганларида ростини айтиб, ота-оналарини бундан хабардор қилиб, ота-она ўзларининг ақли ва тажрибаси билан бу қийин холатдан чиқиш йўлларини кўрсатиб берадилар. Демак, ҳар бир бола ўз ота-онасини қилаётган иши ва ҳолатидан хабардор қилиниши баробарида унинг насиҳати ва маслаҳатларига кулоқ тутиши ва амал қилиши керак.

Ўқувчиларни билимларни мустаҳкамалаш учун “Синквен” усулидан фойдаланамиз:

Синквен усули

1-қатор. От (1)	Она
2-қатор. Сифат (2)	Мехрибон, оққўнгил
3-қатор. Феъл (3)	тарбиялайди, озиқлантиради, эркалайди
4-қатор. Тугал жумала	Она ҳар доим оққўнгил
5-қатор. Ибора ёки синоним	Мехрибон

Дарс сўнгидаги ўқувчиларнинг билимларни янада мустаҳкамалаш учун болалар луғатидан фойдаланамиз.



Болалар луғати

Лаббай – бирор чакирганда бериладиган жавоб (аслида “лаббай” сўзи “мана, хузурингиздаман” маъносини англатади.

Уф – бирон нарсадан шикоят ва ранжишни ифодалайди (аслида “уф” сўзи “сендан безорман”, “жонимга тегдинг”, маъносини англатади. Шу сабаб бу сўзни зинҳор тилга олмаслик керак. Айниқса ота-онамиз олдида “уф” демаслигимиз лозим.)

Дарс машғулотлари мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларига уйга вазифа берилади. Уйга вазифада ота-оналар билан биргаликда ота-оналар ва қариндошлик ришталари хақида ҳадис ўрганиб келиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Зиёвуддин Раҳим. Бола одоби билан азиз. Т.: 2022 йил
- 2.Аҳмад Муҳаммад Турсин, Соҳилсин денгиз.-Т.: Ҳилол нашири. 2022 йил
- 3.Uvatov U. Xadis ilmining sultonı. O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati. 1993.29 oktyabr.

№43-44